



Тошкент ҳақиқати

РўЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚҶМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 177 (10.173) • 1991 йил 12 сентябрь • пайшанба • Баҳоси 8 тийин.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИ ҚУТЛАМОҚДАЛАР

ТОШКЕНТ, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ЖУМҲУРАНИСИ ИСЛОМ ҚАРИМОВГА

Жаноби олийлари! Ўзбекистон ҳукумати ва ўзбек халқини улкан воқеа — Мустақиллик кунин билан чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз. Сизга, Сиз орқали Ўзбек халқига тинчлик, хо-

тиржамлик, бахт-саodat тилаймиз.
Неъматулла Тожддин
Хўша АНДИЖОНИЙ, Раҳматулла НЕЪМАТУЛЛА, Абдулло НЕЪМАТУЛЛА, Фахриддин НЕЪМАТУЛЛА, Саудия Арабистония, «Неъматулла» тижорат корпорацияси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. ҚАРИМОВГА

Жумҳуриятнинг бундан буён Ўзбекистон республикаси деб аталиши ва унга мустақиллик берилишидан чексиз шодимиз. Биз ҳамма вақт сиз билан биргамиз. Оржоникидзе ноҳия фах-

рийлар Кенгашининг аъзолари:
Ғулом ҚАРИМОВ — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳринисо УБАЙДУЛЛАЕВА — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ И. ҚАРИМОВГА

Тошкент шаҳар масжидларининг Имом хатиб Абдурахмон Ҳожи РАҲМАТУЛЛО ўғли ва Яқкасарой масжидининг номозхон аҳли, маҳалланинг барча фуқаролари Сизни мустақиллик байрами билан муборакбод

этадилар. Халқимиз бахтира ҳамisha омон бўлинг. Барча олий ниятларимиз амалга ошарверсин.
Ориф АЛИМАҲСУМОВ, Ўзбекистон халқ артисти, «Яқкасарой» маҳалла кўмитасининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИ И. ҚАРИМОВГА

Ўзбекистон тарихида қолдиган мустақиллик кунин билан Сизни чин дилдан табриклайман. Жумҳуриятимизнинг янада янги топишида Сизга олло-таолонинг марҳамати бўлсин.

Ҳақингизга доимо дуо қилиб турувчи,
Зайиддин Ҳожи ФАХРИДИН ўғли, халқ бобои.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВГА

Жаноб Президент! Америкадаги «Туркистон» жамияти ва ўз номидан Ўзбекистон мустақиллигини табриклайман. Ватанимга, миллиятимга ва Сизга келгу-

сида ҳам оллоҳдан тинчлик-омонлик, сиқат-саломатлик, яхши кунларни тилайман.
Ҳожиқудаммад АБОВАКИР ҚОРИ ўғли

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

Кўна днёримиз-қадимий Туркистон башар маданиятининг бешикларидан бири ҳисобланади. Бу заминдан қанчадан-қанча буюк шахслар — шоирлар, олимлар, файласуфлар, саркардалар, авлиқо анбоблар чиқмаган дейсиз. Бироқ, афсуски, шундай буюк днёрнинг қадни эгинг эди. Авлод-аждодидан улкан маданий мерос орттирган халқи аса жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга эмас эди.

Ниҳоят, орқиниб кутилган кунлар келди. Ўзбекистон жумҳурияти мустақил, унинг халқи эса ҳур деб эълон қилинди. Энди бутун саъй-ҳаракатлар мустақилликни амалда таъминлашга, унинг қозғоғда қолиб кетишига йўл қўймасликка қаратилмоғи лозим. Бунинг учун бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоғимиз, аҳиллигу, биродарлиқни байроқ қилиб кўтармоғимиз керак. Шундагина буюк Ватанимизнинг қудратини яна тиклаш мумкин. Чунки Туркистон равнақи ўзбеки қозғоғда, қирғизни туркманга, тожикни қоракалпоғча эш бўлишга ундайд.

А. АБДУКАРИМОВ,
Бекобод ноҳияси.

ДУРДОНАЛАРИМИЗНИ ҚАЙТАРАЙЛИК

ЎЗБЕК днёрининг давлат мустақиллигига эришишини орзу қилиб келаятганларнинг ҳаммасига ҳам бу кутлуғ кунни кўриш насиб этмади. Энди биз мустақилликка эришган давлатимизда ўзимиз учун ўзимиз ҳаракат қилишимиз кераклигини, яъни барча меҳнатимиз самарасини ўзимиз ва авлодларимизнинг фаровон турмушлари йўлидаги чуқур ҳис қилмоғимиз лозим. Ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақил давлатимизни ривожини учун барчамиз ҳиссамизни қўшайлик.

Бундан буён миллий маданиятимизни асраб-авайлаш, қадимги урф-одатларимизни

тиклаш борасида янада кўпроқ ишларни амалга оширишга бел боғлайлик. Шу ўринда бир таклиф киритмоқчиман. Йиллар давомида марпага ташиб кетилган дурдона хазинамиз — қадимги қўлемларимиз, қилим ва бадиий асарларимизнинг асл нусхаларини у ердаги кутубхона, архив, музей ва бошқалардан юртимизга қайтариш борасида ҳам чоратadbirlарини амалга ошириш лозим. Ушандагина биз ноёб, бебаҳо маданий бойликларимиздан ўз халқимиз баҳраманд бўлади.

Ш. ЖАЛИЛОВ,
меҳнат фахрийси, кекса ўқитувчи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

УРТОҚ Р. С. АЗИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Уртоқ Рустам Содиқович АЗИМОВ Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий


фаолият миллий банки бошқарувининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Тошкент шаҳри, 1991 йил 11 сентябрь.

И. ҚАРИМОВ.

Рустам Содиқович АЗИМОВ

1958 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари илгоҳини, В. И. Ленин номи Тошкент давлат дорилфунуни тавомилан. Иқтисод фанлари номзоди.
Меҳнат фаолиятини 1979 йилда «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси операторининг шогирди сифатида бошлаган. 1980 йилдан 1990 йилгача комсомол, партия ишида бўлган, муаллимлик қилган.
1990 йилнинг августдан «Ипак йўли» ўзбек иннова-



ция-тижорат банки бошқарувининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

УРТОҚ Б. Ф. ЖАЛОЛОВАГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Юсук бадий асарлар яратганлиги, монументал ва дастгоҳий ранг тасвирини

вожлантириш ишидаги хизматлари, самарали ижтимоий фаолияти учун Ўзбекистон Рассомлар уюмисига бошқарувининг раиси Уртоқ Ваҳод Фахриддинович ЖАЛОЛОВАга «Ўзбекистон республикаси халқ рассоми» Фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. ҚАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 1991 йил 11 сентябрь.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СССР УЧУН МЎЛЖАЛ- ЛАНГАН МАККАЖУХОРИ

СССРда давлат тўғрисида пуча чиққандан сўнг Америка хусусий фирмалари ҳамда компаниялари СССР учун 140 миң тонна маккажуҳори сотиб олдлар ва ун Совет Иттифоқига жўнатиш учун ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу ҳақда АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлигининг вакили хабар берди. Сотиб олинган маккажуҳори қиймати Совет Иттифоқига АҚШ томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун ажратилган 1,5 миллиард долларлик қарз таркибига кирди. Вазирлиқнинг маълумотларига қараганда, ҳозиргача АҚШда СССРга 9,3 миллион тонна буғдой ҳамда маккажуҳори жўнатилди.

УДОВЕНО БАЕНОТИ

УКРАИНАНИНГ Вирлашган Миллатлар Ташкилотидagi вакили Геннадий Удовено Украина бундан буён мустақил ташқи сясат ўтказди, деди. У Украина Олий Совети раиси Леонид Кравчукнинг БМТга ташрифи муносабати билан матбуот конференцияси ўтказиб, юқоридаги гапларини айтди. Л. Кравчукнинг БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги 48-сессиясида нутқ сўзлаш кутилимоқда. АҚШ да бўлган пайтида Украина раҳбари Америка маъмуриятининг олий даражадаги аъбобири, шунингдек, АҚШ президенти И. Буш билан ҳам учрашди. Молиявий ва илмий доира вакиллари билан бўладиган мулоқотларда эса АҚШ билан Украина ўртасида келажикда амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар муҳокама этилди.

СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКИЛИ ГЕРМАНИЯДА

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг шахсий вакили А. Н. Яковлев Германияга келди. СССР Иқтисодий банкнинг раҳбари унга ҳамроҳлик қилмоқда. ТАСС мухбирининг хабар беришича, Яковлев ва унинг ҳамроҳлари Германиянинг молиявий «пойтахти»да Германиянинг энг йирик банклари — «Дойче банк» ҳамда «Дрезден банк» бошлиқлари, шунингдек, немис саноатчилари бирлашмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказдилар. Мазкур мулоқотларда гап икки мамлакат ўртасидаги молиявий ва иқтисодий ҳамкорликнинг ҳақида борди.

Германия Федератив Жумҳурияти қаилдери Гельмут Коль билан учрашув ҳам кутилимоқда. Бу ердаги молиявий ва корхоналик донорларидан СССРда вуқудга келган иқтисодий ва сиёсий вазиятдан чўчиш, Ғарб кордонлари алоқа ўрнатилиш кутилган совет шерикларига ишонсизлик руҳи сезилиб турибди. Немис мутахассисларини СССРдаги аввалги иқтисодий тузулмларнинг иқтироғга юз тутганлиги ташвишга солмоқда.

ИҚТИСОДИЙ ҚАМАЛ БЕКОР ҚИЛИНМАЙДИ

Фидель Кастро демократик ўзгартишларни амалга оширмагунча, Америка Қўшма Штатлари Кубани иқтисодий қамал қилишдан қайтмайди, деди АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер Мехикода журналистлар билан учрашган пайтида. Ғарбий Оврўпо ва Совет Иттифоқида бўладиган ўзгартишлар Куба ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин, деб ҳисоблайди Ж. Бейкер. Куба ўзининг ҳозирги иқтисодий тузуминини ўзгартириш лозим, шу тарихи, у ерда эркинликка, демократияга ҳамда очиқ бозорга йўл очилиши керак. Ана шундай муҳит вуқудга келгуде бўлса, АҚШ томони бундай ўзгартишларни мамнувлиқ билан қарши олиб, Кубага ўз навбатда ердан ҳам берган бўлув эди, деди давлат котиби.

КОЛУМБИЯДА ВАБО

ТАСС мухбири Колумбиядан хабар берди: мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги Колумбияда вабо касалигини тарқалганлигини қайд этди. Ҳозиргача 5778 киши ана шу касалликка чалинган, деб ҳисобланмоқда. Қон тарихида вабо белгилари бўлган 3663 киши госпиталларга ётқизилди. Вазирлик маълумотларида ҳозиргача вабодан 119 нафар кишининг ўлганлиги хабар қилинди.

НАРХЛАР БЕЛГИЛАБ ҚҶЙИЛДИ

ФОРС қўрғазида уруш ҳаракатлари тугатилган сўнг Ироқ иқтисодий ҳаётини бир мунча танг ҳолатлар вуқудга келди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг тапқислиги сезила бошлади. Қувдлик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетди. Шундай бир вазиятда Ироқ

маъмурилари нархларни изга солиш тадбирларини кўра бошладилар. Шу кунларда, жумладан, гўшт ва гўшт маҳсулотларига қатъий баҳолар белгилаб қўйилди. Белгиланган нархдан ошиқча савдо қилган кишилар жавобгарликка тортилишлари кўзда тутилди.

ДАЛА ҚҶМОНДОНЛАРИ- НИНГ КЕНГАШИ

АФГОНИСТОННИНГ Хос шаҳри яқинида Афрон ҳарбий оппозициясига кирувчи дала қўмондонларининг кенгаши бўлиб ўтди. У ерда яқин вақт ичида амалга ошириладиган ҳужум масалалари муҳокама этилди. Жумладан гап Ғазна, Гарdez ва бошқа шаҳарларга ҳужум уюштириш ҳақида борди. Ҳарбий қўмондонлар бўлажак ҳужумларда янги ҳудудларни қўлга киритишга умид боғламоқдалар.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИГА ЁДГОРЛИК

Ўғлонларимиз Афғонистонда жанг қилган йиллар... Уша вақтларни эслаганда юраклар бир ҳақиқатга тушади. Нуриддиндасдан айрилганларга сабр-тоқат берсин. Ҳа, ҳарбий хизмат бурчини кўшии мамлакатта юборилган чекланган совет кўшинлари сафида ўташ районининдан ҳам кўпгина йигитларнинг чекига тушган эди. Улардан 6 нафари она юртва тирик қайтолмади. Жафонаш афғон халқи манфаати учун курашда азият жонларидан жудо бўлган бу навқиронларнинг сўнмас хотираси эъзозланиб сақланмоқда. Қатор кўчалар, маҳалла ва муассасалар уларнинг номи билан аталапти. Паркентдаги 9-Урта мактабга Олимжон Юнусов номи берилди ва унга бу ерда ёдгорлик ўрнатилди. Шу муносабат билан билимгоҳда хотира митинги бўлиб ўтди. Катта даргоҳга Олимжоннинг туғишганлари, ёр-дўстлари, устоз маорифчилар, партия, совет, хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари, жамоатчилик наомандалари йиғини ўтказган эди. Мантаб сахна

педагогик жамоаси ва ўқувчилари, ноҳия комсомол кўмитаси, байналмилалчилар ноҳия уюшмаси номидан гулдасталар қўйилди. Митингда сўзга чиққан «Паркент тоғи» ноҳия рўзномасининг муҳаррири М. Тонров, кекса зейвор З. Ёқубов, олийгоҳ байналмилалчи жангчилар кенгашининг раиси подполковник А. П. Кузъмин, ноҳия комсомол кўмитасининг биринчи котиби Ғ. Раҳимшинов, Олимжоннинг хизматдоши, собиқ аскар Д. Мир-олимов марҳумнинг қисса, лекин теран мазмунга эга бўлган ҳаёт йўли ҳақида тўлқинланадиган сўз юритдилар.

Йинин сўнггида Собиржон Юнусов фарзанди хотирасини, оиласини ҳурматлаб бу ерга келганларга ташаккур айтиди ва шу катта тадбирнинг рўёбоғи чинаришда қатнашган кишиларга, меҳнат жамоаларига миннатдорчилик билдирди.

М. ТУРСУНОВ.
СУРАТДА: ёдгорлик олдиди.



«ОБУНА - 92»

Тошкент ҳақиқати ҚАДРАОН РЎЗНОМАНИЗГА ЁЗИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Болжа наварлар қатори «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига ҳам 1 августдан бошлаб барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.
«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.
Ҳурматли муштарийлар! Фурсат ганиматлигидега ўз рўзномангизга — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишга шопилинг!

Ф. СП-1

СССМ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
Тошкент ҳақиқати 64672
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

осуна сон

1992 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта кўрсаткичи) (маман)

Қимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

рўзномани ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

64672

п.в. шойи (нашр кўрсаткичи)

Тошкент ҳақиқати

обуна	баҳоси	осуна сон
янги маъна	баҳоси	сўм
кубориш	баҳоси	сўм

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1992 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта кўрсаткичи) (маман)

Қимга (насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

1991 йил Алишер Навоий йили

ХУШ, Алишер Навоий даврида саҳна санъати, театр бўлганими? Аввало шуни аниқлаб олиш керак. Нега десангиз, гарчи йилда ўзбек халқи илгиридан ўзига хос театр санъатига эгалиги аллақачон исбот қилинган бўлса-да, кўпчилиги ҳануз театр ва бошқа баъзи бир санъатларнинг ёшнинг йигирманчи аср билангина боғлиқ. Бино, саҳна ва ёзма пьеса бунда асосий дастак. Бу — юзани тасаввур. Театрнинг театр қилидиган актёрлар, уларнинг истеъдоди, меҳри-таровати, туйғулири, эҳтирослари, ўзаро ва томошабинлар билан бўладиган мулоқотлари. Мана шундай битта ўзи ёшнинг йигирманчи аср билан боғлиқ воқеалардан ҳикоя қилиб, хилма-хил қиёфаларни гавдалантириб, томошабинларнинг гоҳ қуддирлиб, гоҳ йилглатувчи икромчилар ўзбек халқига аздалан таъини. Қолаверса, халқимиздаги ўтмишда ҳам, ҳозиргида бўлмасда-да, ўзига хос кино, томошагоҳ, саҳна, драматургия ёт бўлмаган. Амир Темур ва Темурийлар даврида бошқа соҳаларда бўлганлиги саҳна санъати ҳам кенг тараққий топти. Алишер Навоий яшаган даврда ҳам шу ҳолни кўра-миш. Фақат бу Шарққа хос, иқлимга, урф-одатлар-

га мос анъанавий тусдаги театр эди. Икромчилар ҳам, шакл-шамойили ҳам ўзгача атамалари антиқа. Шунчаки ҳаваскорлик, эрмак-да рақсдаги машғулот эмас, малакали санъат. Алишер Навоий ўз ижодида театр санъатига нисбатан туркий «ўюн» ва арабий «тамошо» ибораларини қўлади. Шундан «тамошо» кўпчиликка кўрсатиш учун икромчилар томонидан махсус тайёрланган бадий чқишлар — рақс, масхара, муқаллид, қисса-хонлик, воқеали, кўнрақ ўйин, дорбонлик, зарфот, шуббада, шунингдек, улоқ, пойга, кураш, чавгон, тирандоз, қўчқор, хўроз, беда на уриштириш, от, эшак, эчки, илон ўйнатиш каби-ларини ўз ичига олади. Булардан ташқари зикр, садр, бахши авроқлари, дарвиш ва қаламларнинг кезиш-лари, ҳатто уруш ва қатл манзаралари ҳам тамошо деб юритилган. Томошабинлар кўрувчи, ундан таъсирланувчи (заъқ олувчи, алам-этироғига, жазавига тусувчи), маълум даражада унда иштирок этувчи ки-шилар «тамошачи», «аҳли тараб» дейилган. Ҳазрат Навоийнинг томошага ба-ғишланган байтлари «Ҳа-зойин ул-маоний»нинг девон-ларида қўллаб учрайди. Мана бир мисол:

моқ, Боғи Хибон деган ман-зиллар бўлиб, аскарда то-моша кўрсатиш учун мах-сус жойлар ҳам назарда тутилган. Шулардан бири Боғи Сафид бўлиб, унда Тарабхона номли томоша-гоҳ, яъни театр биноси шў-ҳрат топган. 1506—1507 йилда бу ақоиб бинони ўз кўзи билан кўрган Заҳи-риддин Муҳаммад Бобур таърифи таъсиротлари сақ-ланган. Бобур кўшувотин — Вадуззамон билан Му-заффар Мирзонинг меҳмо-ни сифатида 20 кун Хирот-да Алишер Навоийнинг «Унсия» номли ҳовлисида яшар экан, ўша даврда ақоиб яшган Хиротдаги осор-атиқалари, боғларни томоша қилади, халқ ҳаёти билан танишади, зиёфат-ларда бўлади, хонақола-ри, қадимжоларни зиёрат қилади. Боғи Сафидда Му-заффар Мирзо Бобур Мирзо шарафига ош ва таом тор-гандан кейин уни Тарабхо-нага таклиф этади.

Хуллас, манбаларда, боғ-ларда ўзига хос театр би-нолари — тарабхоналар бў-лганлиги тез-тез қайд қили-нади. Қизиғи шундаки, баъзи боғларда ҳам тасви-рий ва амалий санъат асар-ларини тарғиб этувчи, ҳам томошаларга мўлжаллан-ган қасрлар, кўшлар ён-ма-ён қурилган. Чинниҳона, Садахона, Сураатхона, Са-санҳона деган бинолар ўзига хос кўрсаткич жойла-ридир. Қўпгина султонлар, шаҳзодаларнинг чинниҳона-лари бўлган. Алишер На-воийнинг ҳам меҳр билан йирилган хитойи буюм-лардан иборат чинниҳонаси бор экан. Бундан ташқари, кураш, тирандозлик, чав-гон, шатрап ва нард ўйин-лари мўлжал қилинган ўйингоҳлар ҳам бўлганлиги ҳақида далиллар бор. Нафа-

Ўзга анжум ҳалқа урдилар тамошо кўргали, Жилван хуси айлаганда офтоб ховари.

«Ўюн» (ўйин) атамаси-нинг қамрови кенгроқ; нар-да барча томошалар кир-ади, улардан ташқари кўнрақ оғди, ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган бошқа ўйин-лари, катталарнинг меҳмон-хона ўйинлари, майдон ўйинлари, икки киши ёки

• Маганиятимиз тарихидан

ЎТМИШДАГИ ТОМОШАГОҲЛАР

кам сонли, сараланган то-мошабинларга мўлжаллан-ган. Бобур Мирзо иштирок этган мажлисда туртга ми-ро ва уларнинг муҳофизла-ри, мулозимлигига бў-лишган, мажлисида соқил-лар қўлдан чоғир кийчи-ган ва сархуш бир кайфи-ятда ўртада ўрнашган санъаткорларнинг кўй ва кўшиқларини тинглаб, то-моша қилишган.

Боғи Жаҳонорода Та-рабхона ва Садахона де-ган бинолар бўлган. Зай-ниддин Восифий Тарабхо-нада Ҳусайн Бойқаро то-монидан бир мажлис уюш-тирилган ҳақида ёзади. Али-шер Навоий ҳам қатнашган ушбу йилда Амр Сай-йид Бадир, Мирносим Тур-киғуӣ, Амр Жоийи маъла, Амр Низом муқаллид, усул соҳибларидан Қосим Мир-хусайин, Мирзо Тарқий, Тоҳир Чанка, Сарви Лаз-жой, Моҳи Симоний, Ми-нак Заъфароний, Ғузулло парилар, Шомухаммад хо-нанда, машҳур муқаллид Хона Дехдор каби санъат-корлар қатнашган. Тиран-доликка мўлжалланган Са-дахонада ҳам томошалар кўрсатилган бўлса ажаб эмас.

Хона Мажиҳиддин Му-хаммад (Мир Калон)нинг Пураза қаръисидagi чорбо-ғида бир кўш бўлиб, унда ҳам ақиб-ақиб томошалар ўтказилиб турилган. Воси-фий, 1492 йилда бўлиб ўт-ган шундай томошалардан бири ҳақида ёзади. Алишер Навоийга атайган ушбу бағма катта таъйиғорлик қўрилган, кўш айвон олд-ида ўзига хос саҳна ясал-ган. Одамлар айвонда ва саҳна айланасида ўтириб томоша қилганлар.

Алишер Навоийнинг ҳам «Боғи Мурғоний», «Боғи Санқашон», «Боғи Дилку-ш», «Боғчан Бозуғроҳ» де-ган истироҳат маканлари бўлган. Бир-икки чорбоғда томошагоҳ қурилган бўлса керак. Восифийнинг ёши-ча, шонинг шаҳар ичи-да ҳазрати Абдулла Ас-корий қабри ёнида қурилган ўртада бир чорбоғ қад кўтарган экан. Унда бир кун Хона Дехдор қис-сахонлик қилиб, ғазал ўқиб, ашула айтиб, боғбон билан унинг ғулумига муқаллид ясаб, Мир Алишер Наво-ийни танг қолдирибди.

Хусайн Бойқаро ҳиммати билан Немаътоб деган жойда Паҳлавон Муҳаммад учун бир боғ барпо топган

қат сарой аҳли, балки шаҳар аҳолисининг кўп қисми ярим йилдан ортироқ вақ-тин боғларда ўтказган, катта боғларда тарабхона-лар қурилиши шу билан изоҳланади. Аммо ўрдалар-да ҳам махсус тарабхона-лар, шохсулалар, кўшлар бўлганлиги, шубҳасиз.

Шу чоқчага асосан сарой аҳли, асломаларга хизмат қилувчи тарабхоналар тил-га олинди. Чунки манба-ларда кўпроқ шулар учрай-ди. Аммо оддий кишилар

Қасрда беш рақба муҳайё анга, Ўзга беш рақба беш тамошо анга. Бек бу беш рақба беш кордон. Ўзга беш рақба беш кордон. Ҳар бири беш рақба беш маҳал. Ҳар бири беш рақба беш маҳал. Ҳар бири беш рақба беш маҳал. Ҳар бири беш рақба беш маҳал...

Халойиқ олдига ваъз ай-тиш, қисса айтиш, дoston сузлаш учун қурилган мос-ламалар бўлган. Улар мин-бар дейилади. Алишер На-воий минбарни табаррук қиссабоб, ула ҳалол, пок, диёнатли одам қилиши ке-рак, инкизолама, нопок во-тиш, шайх минбарни ҳам бу-лғайди, деб билди. Шойр бу тўғрида бир туркум ҳаж-вий ғазаллар яратган. Мана шайхлар ҳақидаги ғазал-дан бир байт:

Юз пора қилиб минбарни ўз ёнидан авло, Бу шарт илким, бўлса ўз ҳоқини мақтул.

Мун воиз каби «мин-бар устида девонвор» ҳа-рақлар қилувчи воизлар

Аё минбарга қоқиб айламак дасторин омуфта, Недур гар зарқи маъз эрмасдур сарто қадам воиз.

Хўш, юқорида учинчи гу-руҳга ақратганимиз ҳар хил тоифа майда уюшма-ларда (жўралар, мутасав-вўфлар, ичқари каби) бў-либ ўтадиган томошалар қаерда, қандай ўтган? Ўн-да меҳмонхоналар, таъ-ридан, ичқари ҳовлилар, фавулолда ҳолларда мад-раса майдончалари томо-шагоҳ хизматини бажарган.

Шундай қилиб, Алишер Навоий давридаги турли-туман томошалар махсус қурилган бинолар ичи ва та-шидаги саҳналарда ёхуд то-мошабинлар давраси (ҳал-қаси) билан ҳосил қилин-ган ўзига хос томошагоҳ-ларда кўрсатилган. Бунда икромчилар томошабиндан яшувчи ёки томошага ҳамоҳанг пардалар, шам-чиролар, машъаллар, та-бийи манзаралар, кўш уф-фи сочган ёғдулар, ой ну-ри-тароватини оширган.

Парда ичра қилиб навозиш чағ, Учул ул чағ ила қилиб оханг. Тузуб ул наъз руди бирла суруд. Ки олиб жонлар ул суруд ила руд. Пардадан ташқари улусқа хужум. Пардадиги ҳоли лек номаълум.

Ўзга анжум ҳалқа урдилар тамошо кўргали, Жилван хуси айлаганда офтоб ховари.

«Ўюн» (ўйин) атамаси-нинг қамрови кенгроқ; нар-да барча томошалар кир-ади, улардан ташқари кўнрақ оғди, ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган бошқа ўйин-лари, катталарнинг меҳмон-хона ўйинлари, майдон ўйинлари, икки киши ёки

Санга ни жавлон қилиб майдонда чавгон ўйнамоқ, Манга олингда бошнинг гўй этиб жон ўйнамоқ.

Беш овуқлаб эгма қомат бирла қолмон раҳинидан, То тилар чобуқсувори кўнгли чавгон ўйнамоқ.

Кўз қаросин йиғату ҳар лаҳза ул мардумни кўр, Ҳамдундидекки эрур ойини қалқон ўйнамоқ.

Ўйнай-ўйнай айладинг кўфр ила динини бадал, Оллоҳ-оллоҳ, бумудур, эй номусулмон ўйнамоқ.

Жавр тошни ул нари ўйнаб отий дер эл сари, Вақти бу девонага етгач не ояқ ўйнамоқ.

Чарх ўн бирла олур нақдин элдин, воқиф ўл, Бу мушаббид бирла бўлмас аҳли ирфон ўйнамоқ.

Вагда кўн қилдинг Навоийга ва лекин ўйнамоқ, Мучча бўлмай эл биле, эй аҳди ёлғон, ўйнамоқ.

Кўриниб турибдики, га-залда чавгон, рақс, муал-лак, шуббада, тош ва на-мон отиш, пойга ўйин деб таърифланган, айни чоғда жафо, бевафоллик каби ма-жорий маъноларда ҳам иш-латилган.

Ўйин ижодкорлари, қат-нашувчилари «ўюнчи», «шўх», шунингдек, «бози-гар» деб аталган. Кейин-ги асрларда ўйин тусушча-сининг маънолари кўпа-йиб, «ўйинбоз», «ўйинхо-на», «ўйин-қулги» атамала-ри ҳосил бўлган.

Бинобарин, «томоша» ата-маси саҳна санъати, театр тусушчасига яқинроқ.

АНБАЛАРНИ ўрганиш, Алишер Навоий маълумот-ларини муаррих ва саёб-ларнинг далиллари билан солиштириш орқали ул-луш шир яшаган кутлуг дав-рда баъзи томошалар мах-сус бино ва саҳналарда кў-рсатилган, деган фикрга ке-лиди.

Авалло шунга айтиш ке-раки, бу даврдаги томо-шалар уч гуруҳга бўлинган: сарой томошалари, кенг халқ оммаси ўртасида уюш-тирилган томошалар, насб-нори, насаби, мансаби, диний ва дунёвий эътиқо-ди, жинси бўйича вужудга келган уюшмалар ичида ўтадиган томошалар. Улар ўрнига, дастурига, икром-чилари малакасига, томо-шабинлар таркибига кўра бир-бирдан фарқ қилади. Шохлар, ҳоқимлар, шаҳ-зодалар, вазирлар, катта мулк эгалари, сандларнинг сарой ва қасрларига элу-руннинг энг танилиқ, юк-сақ маҳоратли, айни чоғ-да аслода ва билимдон санъаткорлари таклиф этил-ган, томошалар махсус қу-

Ҳарза эрур чунки мушаббид сўзи, Ўз тилини, кўрми, кесар ҳам ўзи. Улки соқол боғлабон эл қулдурур, Кўлу соқолга ўзи келтирур. Қилмон учун кўза фўзун кўркини, Бошнга маймуз чу кўяр буркини. Кўлу учун келса улус қошига, Қулмас улус ёлғиз улус бошига. Масхарани кўлу учун боғ ер, Бир диям олдуғча ики жоғ ер.

Масхаралар муайян ҳолат, затти-ҳаракат қилиш, одат, воқеани бўрттириш билан қўли ҳосил қилинган. Во-излар, қиссахонлар, гўянда-ларнинг ҳам асосий қуроли бўрттирмадир. Аммо улар ҳис-туйғуларни бўрттири-шади. Бунинг устига хи-қоялар қайғули, фожиаларга лиммо-лим бўлади. Шу боис уларнинг чиқишлари томо-шабинларда кўли эмас, гам-андух кайфиятини кўзгайди.

Хўш, қиссагўй ким? Бу — афсона, қисса, ривоят ва

Сўзга бергучга қиссагўй анжом, Ғойибдин нишон топиб Ваҳром.

Қиссагўйлар икки тоифа-га бўлинган: саройда ва оқ-суяқларга хизмат қилувчи-лар ва халқ орасида ҳикоя айтиб юрувчилар. Алишер Навоий маълумотига, XV асрда «Қиссаи Ҳамза», «Қис-саи Юсуф», «Рустами Дос-тон», «Лайли ва Мажнун»,

Саройларда аслодаларга хизмат қилувчи ҳамда халқ орасида ўйновчи масхара-лар бўлган. Заҳриддин Бобур, Алишер Навоий маж-лисарида Ғиёс масхара (аслода Сайид Ғиёсиддин) хизматда бўлган экан. Али-шер Навоий Ғиёс масхара-ни хурмат билан тилга олади.

Алишер Навоий дили ўта нозик инсон бўлганидан мас-харалардан ҳам пурмаъно ва нафосат истайдн, бироқ енгил-елил, суюк, маъносиз томошалар кўрсатувчи, қи-лиқ қилиб, алжираб, беҳаё ҳаракатлар ишлатиб одам-ларни зўр бериб қуддириш-га тиришган масхараларни қаттиқ ҳажв қилади. Маса-ла, «Ҳайрат ул-аброр»да ана шундай ҳажв ўз ифода-сини топган:

Саройларда аслодаларга хизмат қилувчи ҳамда халқ орасида ўйновчи масхара-лар бўлган. Заҳриддин Бобур, Алишер Навоий маж-лисарида Ғиёс масхара (аслода Сайид Ғиёсиддин) хизматда бўлган экан. Али-шер Навоий Ғиёс масхара-ни хурмат билан тилга олади.

Алишер Навоий дили ўта нозик инсон бўлганидан мас-харалардан ҳам пурмаъно ва нафосат истайдн, бироқ енгил-елил, суюк, маъносиз томошалар кўрсатувчи, қи-лиқ қилиб, алжираб, беҳаё ҳаракатлар ишлатиб одам-ларни зўр бериб қуддириш-га тиришган масхараларни қаттиқ ҳажв қилади. Маса-ла, «Ҳайрат ул-аброр»да ана шундай ҳажв ўз ифода-сини топган:

дostonларни ифодали қи-либ асосан ёдан, баъзида қўлэмдан ўзига хос оҳан-гда ўқувчи малакали икром-чи. Алишер Навоий бун-дай икромчиларни кўпича қиссагўй деб атайдн, шу билан бирга уларга нисба-тан «ровий», «қиссахон», «қиссаоз», «қиссапардоз», «ҳикоятчи» ибораларини ҳам ишлатади. «Саъбан сайёр»-да шундай байт бор:

Сўзга бергучга қиссагўй анжом, Ғойибдин нишон топиб Ваҳром.

«Фарҳод ва Ширин» дос-тонлари шўҳрат қозонган экан. Шойр ўз чиқишлари билан тингловчи-томошабин-га маърифат таратувчи, панд-насихат қилувчи, унга яқин кайфият бағишловчи қисса-гўйларни қадрлаган, бе-маъни, куруқ қисса ва риво-ятлар билан кишиларни ал-

Мўҳсин ҚОДИРОВ, санъатшунослик доктори, профессор.

Мўҳсин ҚОДИРОВ, санъатшунослик доктори, профессор.

• Яна маросимларимиз ҳақида

ТҮЙГА ИЧГАНИ БОРАСИЗМИ?

—Ҳозирги оғир иқтисодий шароитда тўйларнинг қандай ўтказиш керак? Рўзномамига мактуб йўллаган муштариоларимиз шу ҳақда фикр юритадилар...

Отаҳон-онаҳонлар магазинларга умуман ароқ сўраб келишмасди. Ҳозир-чи? Иккита бўш шиша идишни кўтариб олган мункиллаган онаҳон магазинчига келади...

Оржоникиде район, «Узбекистон» колхозинда яшовчи Карим Мадаминов қариялар уйига келиб, мени тўйига айтиб кетди...

Қарангки, ичкиликнинг қилинмаси ҳам хурсандчилик билан тўй ўтказса бўларкан. Қарангки, тўй-маъракаларга кўп юрган одам эмасми...

Тўйга бориб, ўзим гувоҳ бўлган воқеалар мени ҳайратга солди. Столлардаги оппоқ дастурхонлар устида иссиқ нонлар, ширинликлар, турли ноз-неъматлар қўйилган...

Илгари ота-боболаримиз ичкилик нималигини билишмаган, тўйлари ниҳоятда ширин ўтган. Кейинчалик одамлар анвойи ноз-неъматлар бу ёқда қолиб, ўзларини ичкиликка урадиган бўлиб қолди...

НЕГА ҲИММИЗНИ ҚИЙНАЙМИЗ?

Тўй — киши ҳаётида бир марта бўлади. Ҳар бир ота-она фарзандини уйлаб, кўёвга чиқаришни, уйли-жойли қилишни ўз бурчи, деб ҳисоблайди...

Ҳа, қўшимча қийин. Эрхонини оддий ички. Етти фарзандлари бор. Иккинчи марта тўй қилишлари. Қолганларнинг ташвиши ҳали «запас»да турибди.

Хуллас, ҳовли нақд савдо омирбига айланган. Меҳмонлар жойлашиб бўлишга, қарнай-сурнай, нора вази бошланди. Аёллар бир-бирларига муқом қилиб, ўйинга тушдилар. Қўда томонлар ўйинчиларга пул қистиришар, елкаларига шох ибелбоғ ташлашарди...

Яқинда ён қўшимчимизнига чиндим, «тўй қуллук бўлсин, югур-югур билан чарчамагисиларми?», дедим. У киши тўлиб турган эканларми, менга «ёрилли»лар: — Э, синглим, сиз сураманг, мен айтмай. Тўйдан кейин ётиб қоламаним, деб қўрқаман...

Қариндошларимиздан бири яқинда бешик тўйи ўтказди. Бундай дабдабали бешик тўйини биринчи қўришим: эшикдан бешик, қароват, катта-кичик аравачалар, манеж, аргамчоқлар, қўғирчоғу велосипедлар кўтарган аёллар турна қатор кириб келишаверди...

Тўғри, бешик тўйи эскидан бор. Лекин уни росманатта тўйга айлантириш керакмикин? Бундай бешик тўйини кўрганлар эртасига ундан ҳам ўтказишга уринадилар. «Шавла кетса-кетсин, обрў кетмасин», деб ўзларини қийнайдилар. Бизнингча, барча ихтиёри тўй комиссияларига бериш, фақат уларнинг маслаҳати билангина иш юритиш керак...

И. РУСТАМОВ.

• Суратли айбнома «СИМ-СИМ», ОЧИЛ «СЕБЗОР»


«АЛИБОВО ва 40 қароқчи» фильмининг кўрганимизми? Ҳа, ашанг. Уша «сим-сим» очилди! Алийбобонинг акаси — Қосим ғорга киргач, чиқолмади. Чунки ғор ёпилиб қолди, у очтич — сеҳрли сўзини ёдидан чиқариб қўлади!

ноҳиясидаги «Қизил қўшн» бекатида «Қорақамш» дехқон бозорининг «Себзор» тармоғи қурилганига 1 йил бўляпти. Бозорчининг дастлабки иш бошлаган вақтида бир-иккита хўжаликлардан машиналарда поля маҳсулотлари олиб келиниб, савдо ишлари йўлга қўйилди. Кейин эса... Суратда кўриб турганингиздек, йўлбар-

нинг калласидай қулф урилди. Балки, Собир Раҳимов ноҳия ижроқўмитидаги мутаассиди урғоқлар «Алибобо ва 40 қароқчи» фильмининг қаҳрамонларидан Қосимга ўхшаб эшикни очадиган сеҳрли сўзини унутиб қўйгандирлар? Ушбу эътироғга улар қандай жавоб қилишаркин-а? Сураткаш Ҳабибулла ШОДИЕВ.



И. РУСТАМОВ.



НОДИР КЎРГАЗМА

Ҳа, уни чиндан ҳам нодир, деб атасак тўғри бўлади. Чунки, бундай кўргазма жумхуриятимиздагина эмас, балки мамлакатимиз тарихида биринчи марта, Тошкентда ташкил этилди.




Жумхурият Ички ишлар вазирлиги биносида ҳозир ишлаб турган бу доний кўргазмага ички ишлар хизматида фойдаланиш учун мўлжалланган ноёб чет эл алоқа воситалари, махсус ва криминалистик ашёлар қўйилган.

Берлин шаҳрида эса «ЕЦ» фирмаси билан шартнома тузилиб, Тошкентда кўргазма очишга келишиб олинди. Маскур кўргазмадан кўзда тутилган мақсад хавфли жиноятчиликка қарши муваффақиятли кураш олиб боришга мўлжалланган замонавий техника воситаларини кенг тарғиб қилишдир.

Кўргазманинг юзага келиши тарихи ҳам диққатга сазовор. Бу ғор Ўзбекистон жумхурияти Президентининг яқиндан қўллаб-қувватлаши билан жумхурият Ички ишлар вазирлигида иш бошлаган ташқи алоқалар бўлими ходимлари томонидан ўр-тага қашланган эди. Инги

булимнинг асосий вазифаси — ҳуқуқ-тартибот идораларини хорижда тайёрланган махсус техника воситалари билан жиҳозлаш ва қурол-лантаришда бевосита қўмақлаштиришдир. Ҳозир ишлаб турган кўргазма бош-ланган ана шу хайрли ишнинг дебосасидир.

Кўргазмани очини ҳақиқатга қўриқ тутилганига кўп вақт ҳам бўлгани йўқ. Шунга қарамай, уни кўнгилдаги-дек ташкил этишга муваффақ бўлинди. Жумхурият Ички ишлар вазирлиги ўринбосари, ички хизмат полковниги Э. Норгитов бошлиқ бир гуруҳ мутахассислар Германияда сафарда бўлишди. У ерда полиция учун махсус техника ишлаб чиқарадиган Швейцария ва Германия фирмалари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди.



Дилорам ИКРОМОВА, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Х. НОСИРОВ, СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавжалар.

ХОЛИС ХИЗМАТ

ЧИРЧИҚ. Нимегарлар маданият саройидаги кутубхона китобхонлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Ҳозир кутубхонада 6 мингта яқин китобхона бўлиб, китоблар со-ни 38 мингта етди.

Кутубхона ходимлари бу йил А. Навоийнинг 550 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик қўймоқдалар. Буюқ шоир ижодида бағиш-лаб махсус бурчак ташкил этилган. Унда Навоий асарларидан намуналарни кўриш мумкин. Т. ФЗАЛОВ.

• Ҳар тўғрида •

КИМ ТЕЗ ЮРАДИ? АМЕРИКАЛИК рудҳунос Роберт Левин ўз ходимлари билан бирга мажоннинг опти мамлакатда — Япония, Тайван, Индонезия, Италия, Англия ва АҚШда бўлиб, у ердаги соатларни тадқиқ қилди. Бунинг учун ҳам Шерк, ҳам Фарб мамлакатларининг танабб олдинши тасодиф эмас, албатта. Улар иқтисодий ривожланган ва исбатдан камроқ ривожланган давлатлардир.

Ҳар бир мамлакатда энг катта шаҳар ва аҳолиси сонини 400—600 минг киши атрофида бўлган ана битта шаҳар танланди. Маҳаллий аҳоли иш-чиларининг ўлчиш жуда мураккаб эканлигини ҳисобга олиб, кишиларнинг вақти бўлган бошқа кўрсаткичлари танланди. Чунки, ягона силлар таркибига уланмаган кўча соатларининг аниқ юриши, қулай об-ҳаво ва вақтда пиёдаларнинг шаҳарнинг савдо-сотик бўладиган қисмидаги ўртача юриш тезлиги, почтадан марка сотиб олиш учун кетадиган вақт ҳисобга олинди.

Мухаррир И. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

НИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!

Агар Сиз ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири бўлган Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилмоқчи ва Тошкент техника дорилфунунда таълим олоқчи бўлсангиз...

8-ТАЖРИБАВИИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА ҲИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда Сиз учин апаратларини йиғувчи-чиқарувчи, механик-йиғувчи ишлари чиқарувчи, саноат ускуналарини таъмирловчи чиқарувчи, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастурхонларнинг оператори, тонар фрезерчи, кенг қамровли дастурчи касбларини эгаллаб чиқишингиз мумкин.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

9-СИНФЛАРИНИ БИТИРУВЧИЛАР ТАЖРИБА ГУРУҲИДА ҲИШИДЛАР ВА 2 ЙИЛ ДАВОМИДА ҲИША МАЪЛУМОТ ҲАМДА КАСБ ЭГАСИ БУЛАДИЛАР.

Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи малакасини эгаллайдилар.

11-синфини битирувчилар ояига 115—150 сўм миқдорда стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида касб эгаллаб чиқадилар.

Ўқиниш даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чналов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли пансионат ва профлакторияда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин.

Ўқиниш вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. Билим юртига «асло» баҳолари билан битирганлар Тошкент техника дорилфунунига ўқинишга юбориладилар.

Совет Армияси сафарларида хизмат қилиб қайтган бошқа шаҳарлик ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртига қўйиладиган борилди: 10, 23, 27-трамвайлар, 18, 48, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати.

Манзилми: 700128, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўли, 10-уй. Телефонлар: 41-57-54.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, КООПЕРАТИВЛАР, КИЧИК КОРХОНАЛАР, ЖАМОАТ ҲУЖАЛИКЛАРИ ВА ДАВЛАТ ҲУЖАЛИКЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«СОЮЗБЛАНКОИЗДАТ» ТАҲРИРИЯТ-МАТБАА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ҲИШИДЛАР БУЛИМИ

рўйхатта олишга оид намунавий бланкалар, банкнинг касса ордерлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи билан боғлиқ бошқа бланкаларини қозғо талаб қилмаган ҳолда чекланмаган миқдорда

СОТАДИ

БЛАНКАЛАР УЧУН КЕЛИШУВГА ҚУРА ҲАҚ ТУЛАНДИ.

Манзилгоҳимиз: 700042, Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 234-уй. Телефонлар: 42-94-21, 42-34-87.

ДИҚҚАТ!

Сув қувурлар тизимида таъмирлаш-эҳтиёткорлик ишларини ўтказиш, шунингдек 1991—92 йил кўзги-кички масумига тайёргарлик ишлари олиб борилиши муносабати билан

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУЖАЛИК ИЧИМЛИК СУВИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, ТАЪМИРЛАШ-ФОЙДАЛАНИШ ТРЕСТИ

АБОНЕНТЛАРГА

19 сентябрь соат 9.00 дан 20 сентябрь соат 9.00 гача

қуйидаги сувқувур тармоқларида сув бўлмаганини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Оржоникиде райони бўйича: «Коммунист», «Октябрь», «Маданият» жамоа хўжаликлари, «Қиёра» давлат хўжалиги, «Красный водопад» тажриба базаси, «Селекция-генетик» станцияси, «Байт-қўрғон» кўча механизациялаштирилган колоннаси, «Йилчи» паррандачилик фабрикаси, Оржоникиде район матлубот жамиятининг нон комбинати.

Тошкент райони бўйича: «Ўзбекистон» дам олиш уйи, «Ўзбекистон 50 йиллиги», «Навоий», «С. Раҳимов», «Охунбобоев», «Ленин», «Ленин йули» жамоа хўжаликлари, «Абдураҳмонов», «Тошкент», «Ленинград» давлат хўжаликлари, «Минводи» санаторияси ва касалхонаси, I-район касалхонаси, «Келес» автокорхонаси, Келес тажриба-таъмирлаш механика заводи, Тошкент район матлубот жамиятининг тайёрлаш идораси, «Сабзон» станцияси, Сариевқоғдаги «Ленин» совхозини, Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот илмоғи, Тошкент район матлубот жамиятининг Хўжалик ҳисобидига умумий овқатланиш участкаси, «Сельхозкоммунармент» кичик корхонаси, В-8870 почта қутиси, «Средазсельхозмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Давлат-кооператив қишлоқ хўжалиги комитети дала ҳовлилари, Ички ишлар вазирлигининг дала ҳовлилари, «Богбон» дала ҳовлилари, Тошкент шаҳар ҳақ таълими бўлимининг боғчаси, Тошкент вилоят «Водоканал» ташкилоти, С. Раҳимов район улгурчи-чакана мева-сабзавот савдоси комбинати, 445-хўжаликлараро кўча механизациялашган колонна, Тошкент район матлубот жамиятининг паррандачилик фабрикаси, Сабзавот-полиэксинлари илмий-текшириш илмоғи, «Сортсемевошь» ташкилотлари.

Маълумотлар олиш учун телефон: 47-03-20.